



Ислом Нури

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг такбирдан саломгача худди кўриб турганингиздек бўлган кайфияти

Муҳаммад Носируддин ал-Албоний

Таржимон: Муҳаммад Исмоил

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Муқаддима

Бандаларига намозни фарз қилиб, уни чиройли ва тўқис адо этишларига буюрган, нажот ва муваффақиятни уни хушув билан адо этишга боғлиқ қилган, уни иймон билан куфр ўртасини ажратиб турувчи ва фаҳшу мункар ишлардан тўсувчи қилган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин.

«بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ الْحَمْدُ لِلّٰهِ رَبِّ الْعَالَمِیْنَ وَالصَّلٰوةُ سَلَامٌ عَلٰی رَسُوْلِہِ الْکَرِیْمِ وَبَعْدُ»

«Сизга эса одамларга нозил қилинган нарсаларни (яъни, шариат аҳкомларини) баён қилиб беришингиз учун... бу эслатмани - Қуръонни нозил қилдик» деган илоҳий хитоб ила хитобланган, сўнгра ўзларига юклатилган бу вазифани ҳаққи-рост адо этган улуғ пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга салавоту саломлар бўлсинки, намоз у зотнинг одамларга сўзу амалда баён қилиб берган энг улуғ ишларидан бўлди. Ҳатто, бир марта минбар устида намоз ўқидилар ва:

«اللّٰهُمَّ صَلِّ عَلٰی رَسُوْلِہِ الْکَرِیْمِ وَبَعْدُ»



Ислом Нури

«Менга эргашишларингиз ва намозимни ўрганишларингиз учунгина шундай қилдим» дедилар, намозда у зотга эргашишимизни вожиб қилиб:

«**اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ**»

«Менинг намоз ўқиганимни кўрганингиздек намоз ўқинглар» деб буюрдилар. У зот ўқиганларидек намоз ўқиган кишини Аллоҳ жаннатга киритишга ваъда берганини хушхабар бериб, марҳамат қилдилар:

«**اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ وَاجْعَلْ لَهُمْ جَنَّاتٍ وَعُيُونًا وَأَنْهَارًا وَسُرُرًا وَعُجُنَّاتٍ وَزَوَّجَهُمْ مِنَ الْحُورِ الْقَاتِنَاتِ وَأَدْخِلْهُمْ الْجَنَّاتِ وَأَقْرِبْهُمْ مِنْ رُحْمَتِكَ إِنَّكَ أَنْتَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ**»

«Аллоҳ таоло беш маҳал намоз ўқишни фарз қилди. Ким бу намозларга мукаммал таҳорат қилиб, уларни ўз вақтида адо этса, рукуъ-саждаларини ва хушуъсини комил қилса, уни кечирини Аллоҳ, Ўз зиммасига аҳд қилиб олди. Ким бундай қилмаса, уни кечирини Аллоҳ, Ўз зиммасига аҳд қилиб олмади - хоҳласа кечиради, хоҳласа азоблайди».

Бизга пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ибодатлари, сўз ва амалларини нақл қилган, уни ўзлари учун намуна ва йўл қилиб олган у зотнинг аҳли-оилалари ва саҳобаларига ҳамда улар ортидан эргашган ва то қиёматгача уларнинг йўлларида юрадиган кишиларга ҳам салавоту саломлар бўлсин.



Ислом Нури

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатланиши тўғри бўлмайдиган айрим сўз ва амаллар ҳам йўқ эмас. Бу нарса кўпроқ мутааххир(кейинги даврдаги)ларнинг китобларида учрайди. Шунинг учун ҳадис уламолари баъзи машхур фикҳ китобларида келган ҳадисларнинг саҳиҳ, заиф ёки мавзуъ эканини баён қилиб берувчи таҳриж китоблари ёзганлар. Шайх Абдулқодир ибн Муҳаммад ал-Қураший ал-Ҳанафийнинг «Ал-иноя бимаърифати аҳодисил-ҳидоя», «Ат-туруқ вал-васоил фий таҳрижи аҳодиси хулосатид-далоил», Ҳофиз Аз-Зайлаийнинг «Насбур-роя лиаҳодисил-ҳидоя», Ҳофиз Ибн Ҳажар ал-Асқалонийнинг «Дироя», «Талхисул-хабир фий таҳрижи аҳодис ар-рофиил-кабир» асарлари шулар жумласидандир.

Китобнинг ёзилиш сабаби

Ушбу мавзуни тўла қамраб олган бирор китобдан воқиф бўлмагач, ибодатларида пайғамбарлари соллаллоҳу алайҳи васалламнинг йўлига эргашишни мақсад қилган мусулмон биродарларим учун Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг такбирдан саломгача бўлган кайфиятини имкон қадар тўлароқ қамраб олувчи, у зотнинг юқорида ўтган **«Менинг намоз ўқиганимни кўрганингиздек намоз ўқинглар»** ҳадисидаги фармонларини рўёбга чиқаришларига ёрдам берувчи бир китоб ёзишни мақсад қилдим ва турли ҳадис китоблардан ушбу мавзуга тааллуқли ҳадисларни текшириш ва жамлашга бел боғладим. Ушбу китоб мана шу ҳаракатларнинг самараси ўлароқ вужудга келди. Унда мен – хоҳ намознинг ҳайъат-кўринишлари хусусида бўлсин, хоҳ ундаги зикру дуолар борасида бўлсин, хоҳ фазилатлар ё бошқа нарсалар ҳақида бўлсин – фақат санади собит (яъни саҳиҳ ва ҳасан) бўлган ҳадисларнигина келтиришни, санадида мажхуллик бўлган ёки заиф ҳадислардан бутунлай воз кечишни ўзимга шарт қилдим.



Ислом Нури

Китобни «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг такбирдан саломгача худди кўриб турганингиздек бўлган кайфияти» деб номладим.

Аллоҳ таолодан уни холис Ўзи учун қилишини ва у билан мўмин биродарларимга манфаат етказишини сўрайман. У дуоларни эшитувчи ва ижобат қилувчи зотдир.

Китобнинг услуби

Китобнинг мавзуси Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намоз ўқишдаги йўлларини баён қилиб бериш бўлганидан мен муайян бир мазҳабга боғланмасликни, қадимги ва кейинги муҳаддис уламолар қилганларидек Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан собит бўлган суннатларнигина келтиришни муносиб кўрдим. Шу боис бу китоб ҳадис китоблари ва турли мазҳабларнинг фикҳий китоблари ичидан мавзуга алоқали бўлган саҳиҳ ҳадисларни териб олувчи ва барчасини ўз ичига жамловчи бир китоб бўлажак, иншааллоҳ.

Ушбу услубни ўзим учун қабул қилар эканман, бу барча тоифа ва мазҳаб аҳллари ҳам рози қилавермаслигини, улар ичидан менга нисбатан таъна тошлари ва маломат ўқларини отувчи кишилар бўлишини ҳам яхши биламан. Бироқ, нима ҳам қилардик. Ҳаммани бирдек рози қилиш имконсиз бир иш экан. Зотан, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қиладилар:

«كُلُّكُمْ رَاعٍ عَلَى بَعِضِكُمْ فَانصُرُوا بَعْضَكُم بَعِضًا وَلَا تَكْفُرُوا بَعْضًا بِبَعْضٍ فَمَن كَفَرَ بَعْضُهُ بِبَعْضٍ فَإِنَّ اللَّهَ كَافِرٌ بِهِ»

«Ким Аллоҳни газаблантириб одамларни рози қилса, Аллоҳ



Ислом Нури

уни одамларга топшириб қўяди.»

Шоир айтганидек:

Таънагўйнинг сўзидан қутулмоғим кўп душвор,

Гарчи маконим эрур тоғ бағрида пинҳон ғор.

Одамларнинг тилидан ким ҳам қолур саломат?!

Йиртқичга ем бўлсанг ҳам, ордан қолмас маломат.

Аллоҳ таоло мўминларга буюрган ва пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам баён қилиб берган энг тўғри йўл шу эканига иймоним комил экани мен учун кифоя. Саҳобалар, тобиинлар ва улардан кейинги улуғ зотлар, жумладан машҳур тўрт мазҳаб имомлари шу йўлни тутганлар ва барчалари суннатни маҳкам тутишга, унга қайтишга ва суннатга зид бўлган ҳар қандай сўзни – уни айтувчи ҳар қанча улуғ шахс бўлса ҳам – тарк қилишга иттифоқ қилганлар. Зотан, Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шаънлари барчадан улуғ ва у зотнинг йўллари энг тўғри йўлдир.

Шу боис ушбу китобни ёзиш асносида мен ҳам ўша улуғ зотларнинг тутумларини тутдим, изларидан эргашдим, уларнинг: «Гарчи бизнинг сўзларимизга хилоф бўлса-да, суннатга эргашингиз» деган кўрсатмаларига амал қилдим, суннатни қўйиб бошқалар сўзига кўр-кўрона эргашидан воз кечиш йўлини тутдим. Аллоҳ у зотларнинг барчаларини улуғ мукофотлар билан мукофотласин.



Ислом Нури

Мазҳаб бошлиқларининг ҳадисга эргашиш ва уларнинг ҳадисга зид сўзларини тарк қилиш ҳақидаги сўзлари

Шу ўринда мазҳаб имомларининг бу борадаги баъзи сўзларини келтириб ўтиш фойдадан холи бўлмаса керак. Уларнинг мазҳабларига эргашган кишилар бу сўзлардан панд-насихат ва эслатма олсалар ажабмас.

1. Абу Ҳанифа роҳимахуллоҳ:

Имомларнинг аввали Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит роҳимахуллоҳ бўлиб, у зот тарафидан бир неча сўз ва иборалар ривоят қилинганки, уларнинг бари битта нарсани – ҳадисга амал қилиш вожиблиги ва имомларнинг ҳадисга зид сўзларини тарк қилиш лозимлигини ифодалайди:

«**مَنْ عَصَى إِمَامًا مِنْ إِمَامَاتِنَا فِي شَيْءٍ مِنْ شَأْنِنَا فَهُوَ كَافِرٌ**»

1- «Агар ҳадис саҳиҳ бўлса, шу менинг мазҳабимдир.»

«**مَنْ عَصَى إِمَامًا مِنْ إِمَامَاتِنَا فِي شَيْءٍ مِنْ شَأْنِنَا فَهُوَ كَافِرٌ**»

2- «Қаердан олганимизни билмасдан туриб бизнинг сўзимизни олиш ҳеч кимга дуруст эмасдир.»

Бир ривоятда шундай деганлар:

«**مَنْ عَصَى إِمَامًا مِنْ إِمَامَاتِنَا فِي شَيْءٍ مِنْ شَأْنِنَا فَهُوَ كَافِرٌ**»

«Далилимни билмаган кишининг менинг сўзим билан фатво



Ислom Нури

бериши ҳаромдир.»

Бир ривоятда шундай деб қўшиб ҳам қўйганлар:

«**Биз ҳам инсонмиз, бугун бир сўзни айтамыз ва (мумкинки) эртага ундан қайтамыз.»**

«Биз ҳам инсонмиз, бугун бир сўзни айтамыз ва (мумкинки) эртага ундан қайтамыз.»

Бошқа бир ривоятда айтганлар:

«**Холингга вой бўлсин эй Яъқуб (яъни, Абу Юсуф), мендан эшитган ҳар бир сўзни ёзаверма. Чунки мен бугун бир фикрни ихтиёр этсам, (мумкинки) эртага уни тарк қиламан. Эртага бир фикрни ихтиёр этсам, (мумкинки) индинга уни тарк қиламан.»**

«Холингга вой бўлсин эй Яъқуб (яъни, Абу Юсуф), мендан эшитган ҳар бир сўзни ёзаверма. Чунки мен бугун бир фикрни ихтиёр этсам, (мумкинки) эртага уни тарк қиламан. Эртага бир фикрни ихтиёр этсам, (мумкинки) индинга уни тарк қиламан.»

«**Агар мен Аллоҳ таолонинг китобига ва Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларига муҳолиф бирор сўз айтган бўлсам, менинг бу сўзимни тарк қилинглр!»**

3- «Агар мен Аллоҳ таолонинг китобига ва Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларига муҳолиф бирор сўз айтган бўлсам, менинг бу сўзимни тарк қилинглр!»

2. Молик ибн Анас роҳимаҳуллоҳ:

Имом Молик ибн Анас роҳимаҳуллоҳ айтганлар:



Ислом Нури

«...»

1- «Мен ҳам бир инсонман. Тўғри ҳам айтаман, хатога ҳам йўл қўйяман. Шундай экан, менинг раъйимни текшириб боқингиз ва улардан китобу суннатга мувофиқ келган ҳар бир нарсани қабул қилингиз, қай бир фикрим китобу суннатга тўғри келмаса, уни тарк қилингиз!»

«...»

2- «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўнг у зотдан бошқа ҳар қандай инсоннинг сўзи қабул қилиниши ҳам, тарк қилиниши ҳам мумкин.»

3- Ибн Ваҳб айтади: «Имом Молик таҳоратда оёқ бармоқлари орасига қўл киритиб ювиш ҳақида сўралганида: «Бу нарса шарт эмас», деб жавоб берганларини эшитдим ва одамлар сийраклашгач, унга: «Менда бу ҳақда бир ҳадис бор», дедим.

«Қандай ҳадис?» деб сўрадилар.

Мен айтдим: «Бизга Лайс ибн Саъд, Ибн Луҳайъа ва Амр ибн Ҳорислар Язид ибн Амр ал-Маъофирийдан, у Абу Абдуррахмон ал-Ҳаблийдан, у Муставрид ибн Шаддод ал-Қурашийдан ривоят қилдиларки, у деди: Мен Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам оёқ бармоқлари орасини бармоқлари билан ишқалаб юваётганини кўрганман.»

Имом Молик дедилар: «Бу ҳадис ҳасан экан, уни мен энди эшитиб



Ислом Нури

турибман.»

Сўнг қачон шу ҳақда сўралсалар, бармоқлар орасини ишқалаб ювишга буюрганларини эшитдим.»

3. Шофеъий роҳимахуллоҳ:

Имом Шофеъий роҳимахуллоҳдан бу борада кўп ва хўп нақллар борки, қуйида улардан айримларини келтирамиз:

«**Қўлларини ва оёқларини ювиш ва кўп ва хўп нақллар борки, қуйида улардан айримларини келтирамиз:**

1- «Ким бўлишидан қатъий назар, унга Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари етиб борган бўлиши ҳам, бормаган бўлиши ҳам мумкин. Шундай экан, мен қандай бир сўзни айтган ёки қандай бир асосни барпо қилган бўлмай, бу хусусда менинг сўзимга зид Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг бирор ҳадислари бор бўлса, Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг сўзлари сўздир ва у менинг ҳам сўзимдир.»

«**Қўлларини ва оёқларини ювиш ва кўп ва хўп нақллар борки, қуйида улардан айримларини келтирамиз:**

2- «Мусулмонлар ижмоъ (иттифоқ) қилганларки, кимга Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан бирор ҳадис маълум бўлса, бирор кимсанинг сўзини деб у ҳадисни тарк этиши мумкин эмасдир.!»» Қўлларини ва оёқларини ювиш ва кўп ва хўп нақллар борки, қуйида улардан айримларини келтирамиз:



Ислом Нури

«... r ... r ,
... (:...)
...»

3- «Менинг китобимда Росулulloх соллalloху алайҳи васалламнинг ҳадисларига хилоф сўзни топсангиз, Росулulloх соллalloху алайҳи васалламнинг сўзларини сўзлангиз ва менинг сўзимни тарк қилингиз! (Бир ривоятда:) Унга эргашингиз ва ҳеч кимнинг сўзига парво қилмангиз!»

«...»

4- «Агар ҳадис саҳиҳ бўлса, шу менинг мазҳабимдир.»

«... r ...
... , ...
...»

5- «Нақл аҳллари (муҳаддислар) ҳузурида Росулulloх соллalloху алайҳи васалламдан менинг сўзимга зид бўлган саҳиҳ хабар бор ҳар қандай масалада мен - ҳоҳ ҳаётлигимда, ҳоҳ вафотимдан сўнг бўлсин, - у сўзимдан қайтурман.»

«... r ... , ...
...»

6- «Пайғамбар соллalloху алайҳи васалламнинг ҳар бир ҳадислари - гарчи уни мендан эшитмаган бўлсангиз-да - менинг ҳам сўзимдир.»



Ислом Нури

2- «Авзоъийнинг раъйи, Моликнинг раъйи, Абу Ҳанифанинг раъйи - барчаси раъйдир. Булар ҳаммаси менинг олдимда тенгдир. Хужжат эса фақат осор (ҳадислар)дадир.»

«[...]

3- «Ким Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳадисини рад этса, у ҳалокат ёқасидадир.»

Юқорида келтирилганлар мазҳаб бошлиқлари бўлмиш улуғ имомлар роҳимаҳумуллоҳларнинг ҳадисни маҳкам ушлашга бўлган буйруқлари ва уларга кўр-кўрона тақлид қилишдан қайтарган сўзлари эди. Мазкур сўзлар таъвил ва мунозарага ўрин қолдирмайдиган даражада очиқ-равшан экани кўриниб турибди. Уларга кўра, кимки, суннатда собит бўлган нарсани - гарчи, имомларнинг айрим сўзларига хилоф келса-да - маҳкам тутса, уларнинг мазҳабларига айри тушган ва уларнинг йўлларида чикқан бўлмайди. Балки, у уларга эргашган ва «ал-урватул-вусқо» (мустаҳкам тутқич)ни маҳкам тутган бўлади. Аксинча, имомларнинг сўзларига муҳолиф келгани боис саҳиҳ суннатни тарк этган киши бу иши билан уларга итоатсизлик ва уларнинг юқорида ўтган сўзларига хилоф иш қилган бўлади. Аллоҳ таоло айтадики:

[...]

«Йўқ, Раббингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чикқан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва сўнг сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмагунларича ва тўла бўйсунмагунларича асло мўмин бўла



Ислом Нури

бири баъзи катта китобларда келган «Ким фарз намозлар қазосини Рамазон ойининг охирги жума кунни ўтаб қўйса, бу унинг умридаги етмиш йиллик қазолари ўрнини тўлдиради» ҳадисидир. Ал-Лакнавий раҳимаҳуллоҳ «Ал-осорул марфуъа фил-ахборил мавзуъа» асарида мазкур ҳадисни келтириб, «Алий Ал-Қорий ўзининг «Мавзуъот»ида буни қатъан ботил деган, чунки бу гап “Ҳеч бир ибодат бир неча йиллик ибодатлар қазосини ўтай олмайди” деган ижмоъга хилофдир» дейди

Термизий, Қузоъий, Ибн Бишрон ва бошқалар ривояти

Ибн Обидийн «Ҳошия»да (163) ва «Расмул муфтий» рисоласида, Шайх Солиҳ ал-Фуланий «Ийқозул ҳимам»да (62-бет) ва бошқалар ривоят қилишган. Ибн Обидийн Ибн аш-Шихнанинг «Шарҳул ҳидоя» китобидан қуйидагиларни нақл қилади: «Агар ҳадис саҳиҳ бўлса ва у мазҳабнинг зиддига бўлса, ҳадисга амал қилинади ва бу имом Абу Ҳанифанинг мазҳаби саналади, у зотнинг мазҳабидаги киши ушбу ҳадисга амал қилиш билан ҳанафийликдан чиқиб қолмайди. Зеро, имомнинг ўзлари: «Агар ҳадис саҳиҳ бўлса, шу менинг мазҳабимдир» деганлар. Бу сўзни имом Ибн Абдулбар имом Абу Ҳанифадан ва бошқа имомлардан ривоят қилган.»

Ибн Абдулбар «Ал-интиқо фий фазоилис-саласатил-аимматил-фуқаҳо» китобида (145-бет), Ибнул Қоййим «Иъломул-муваққиъийн»да (2309), Ибн Обидийн «Ал-бахрур-роиқ»қа битган «Ҳошия»сида (6293) ва «Расмул-муфтий»да (29 ва 32-бетлар), Шаъроний «Мезон»да (155) ривоят қилган.

Мен (Албоний) айтаман: Далилларини билмаган ҳолда уларнинг сўзларини ушлаган киши ҳақида шундай деган бўлсалар, далил



Ислом Нури

уларнинг сўзларига қаршилигини билатуриб, далилга қарши фатво берадиган киши ҳақида нима деган бўлар эканлар?!!

Чунки, имом Абу Ҳанифа ўз сўзларини кўпинча қиёс асосига қурар, ундан кўра кучлироқ қиёс чиқиб қолса ёки Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари у зотга етса, ўшани олиб, аввалги сўзларини тарк қилардилар.

Шаъроний «Мезон»да (162) шундай ёзади: «Имом Абу Ҳанифа ҳақларидаги бизнинг эътиқодимиз ва ҳар бир инсофли кишининг эътиқоди шуки, фаразан у зот шариат (илмлари) девон қилинган ва ҳофизлар шаҳар-қишлоқларни кезиб, (ҳадисларни) жамлаганларидан сўнг яшаган бўлганларида ва ушбу (ҳадис)лар у зотнинг қўлларида бўлганида эди, албатта уларни олган ва қиёс қилган барча қиёсларини тарк қилган бўлар эдилар ва у зотнинг мазҳабларида ҳам қиёс бошқа мазҳаблардаги каби озроқ бўлган бўлар эди. Бироқ, шариат далиллари у зотнинг асрида тобиинлар ва тобиут-тобиинлар орасида шаҳар-қишлоқлар ва сахрою водийлар ичра тарқоқ ҳолда бўлгани боис, қиёс қилган масалаларида нас (ҳадис) топилмагани сабабли зарурат юзасидан у зот мазҳабларида бошқа имомларга нисбатан қиёс кўп бўлган эди. Кейинги имомлар асри эса ҳофизлар ҳадисларни талаб қилиш ва жамлашга бел боғлаган, бу мақсадда шаҳар ва қишлоқларга сафарлар қилишиб, уларни китоблар шаклига келтиришга улгуришган давр эди. Уларнинг мазҳабларида имом Абу Ҳанифа мазҳабларига нисбатан қиёснинг кам экани сабаби шу эди.»

Таққослаш учун эслатма: Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ 80-150 ҳижрий йилларда яшаб ўтган бўлсалар, қолган уч мазҳаб имомлари – Имом Шофеъий роҳимаҳуллоҳ 150-204 ҳижрий йилларда, имом Молик роҳимаҳуллоҳ 93-179 ҳижрий йилларда, имом Аҳмад роҳимаҳуллоҳ



Ислом Нури

164-241 ҳижрий йилларда яшаб ўтганлар. Машҳур муҳаддис уламолардан имом Бухорий роҳимаҳуллоҳ 194-256 ҳижрий йилларда, имом Муслим роҳимаҳуллоҳ 204-261 ҳижрий йилларда, имом Термизий роҳимаҳуллоҳ 209-279 ҳижрий йилларда яшаб ўтганлар. (Тарж.)

Мен (Албоний) айтаман: Баъзи ўринларда Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳнинг саҳиҳ ҳадисларга қасдсиз ва беғараз муҳолиф бўлганлари борасидаги узрлари шундай бўлса – бу эса шубҳасиз, мақбул узрдир, зеро Аллоҳ ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари нарсани юкламас – у зот ҳақларида айрим жоҳил кимсалардан содир бўлаётгани каби таъна-маломат сўзларини айтиш асло дуруст бўлмайди, балки у зотга нисбатан одоб сақламоқ лозимдир. Чунки у зот ушбу диннинг сақланиб қолишига ва унинг фаръ (шоҳ)лари бизларгача етиб келишига сабаб бўлган улуғ имомлардан биридирлар ва ҳар қандай ҳолатда ҳам, тўғри топган бўлсалар ҳам, хато қилган бўлсалар ҳам ижтиҳодлари боис ажрга эга бўлгандирлар. Бироқ, шу билан бирга у зотга эргашган кишилар у зотнинг саҳиҳ ҳадисга зид сўзларига тиш-тирноқлари билан ёпишиб олишлари ҳам дуруст эмасдир, зеро бундай қилиш юқоридаги сўзларига қараганда ҳам у зотнинг мазҳабларидан эмасдир

Ал-Фуланий «Ийқоз»да (50-бет) келтирган.

Аш-Шаъроний «Мезон»да (126) шундай ёзади: «Агар сиз: «Имомим (мазҳаб бошлиғи)нинг вафотидан сўнг саҳиҳлиги маълум бўлган ва имомим олмаган ҳадисларни нима қиламан?», десангиз, жавоб шуки, сиз ўша ҳадисларга амал қилишингиз лозим. Чунки, имомингиз ўша ҳадисларга эга бўлганида ва улар унинг наздида саҳиҳ бўлганида, сизни уларга амал қилишга буюрган бўлар эди, албатта. Чунки барча



Ислом Нури

имомлар шариат қўлида тобеъдирлар. Ким у ҳадисларга амал қилса, шубҳасиз, яхшилиқни қўшқўллаб тутган бўлади. Кимки: «Мен фақат имомим олган ҳадисларгагина амал қиламан» деса, у кўп яхшиликдан маҳрум бўлибди. Ҳолбуки, бу кишилар имомлари ўтиб кетганидан сўнг саҳиҳлиги маълум бўлган ҳар бир ҳадисга ўша имомларнинг ўз васиятларига кўра амал қилишлари лозим эди. Чунки, бизнинг у имомлар борасидаги эътиқодимиз шуки, агар улар яшаган даврда мазкур ҳадисларнинг саҳиҳлиги маълум бўлса эди, албатта уларни қабул қилган ва уларга амал қилган ҳамда қиёс қилган қиёсларини ва айтган сўзларини тарк қилган бўлур эдилар.»

Ибн Абдулбар «Жомеъ»да (232), Ибн Ҳазм «Усулул-аҳком»да (6149) келтирган

Ибн Абдулҳодий «Иршодус-солик»да (1227), Ибн Абдулбар «Жомеъ»да (291), Ибн Ҳазм «Усулул-аҳком»да (6145) келтирган

Ибн Абий Ҳотимнинг «Жарҳ ва таъдил»и муқаддимаси, 31, 32-бетлар.

Ҳоким ривоят қилган, шунингдек Ибн Асокирнинг «Тарихуд-Димашқ»ида, «Иъломул-муваққиъийн»да ва «Ийқоз»да келтирилган

Ибнул Қоййим (2361) ва Ал-Фуланий (68-бет.)

Ал-Ҳаравий «Заммул-калом»да, Ал-Хатиб «Ал-ихтижож биш-Шофеъий»да, Ан-Нававий «Ал-мажмуъ»да, Ибн Асокир, Ибнул Қоййим ва Ал-Фуланий ривоят қилганлар

Ан-Нававий «Ал-мажмуъ»да, Аш-Шаъроний (157) ва Ал-Фуланий (107-бет) ривоят қилганлар



Ислом Нури

Абу Нуъайм (9107), Ҳаравий (471), Ибнул Қоййим «Иъломул муваққиъийн»да (2363) ва Ал-Фуланий (104-бет) ривоятлари

Ибн Абий Ҳотим, «Ал-одоб» (93-94-бетлар)

Ибнул Қоййим, «Иъломул муваққиъийн» (2363), Ал-Фуланий, «Ийқоз» (113-бет)

Абу Довуд, «Масоилул имом Аҳмад» (276, 277-бетлар.)

Ибн Абдулбар, «Ал-жомеъ» (2149)

Ибнул Жавзий, «Ал-маноқиб» (182-бет)

«Нисо» сураси, 65-оят

«Нур» сураси, 63-оят.